

Ўзбекистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 20 июнь, шанба. № 47 (144140)

ЯНГИЧА ФИКРЛАБ, ЯНГИЧА ИШЛАШГА ЎРГАНАЙЛИК

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг бориши, пахта ва дон етиштириш, ғўза парвариши ва ғалла ўрими-йигими қандай бораётгани, соҳага тааллуқли янги қонунларнинг жойларда қай даражада татбиқ этилаётгани билан танишиш мақсадида 18-19 июнь кунлари Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлди.

Президентимизнинг водий бўйлаб сафари Андижон вилоятидан бошланди. Дастлаб, Олтинкўл тумани «Намуна» жамоа хўжалигидаги Маъруф Насриддинов бошчилик қилаётган бригаданинг бугдойзорлари кўздан кечирилди.

Деҳқон мавсумда ўз ташаббуси билан хориждан келтирилган юқори навли бугдой уруғлигини гектар бошига ўртача 230 килограммдан эккан эди. Экин алоҳида меҳр ва эътибор билан парвариш қилингани туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Уруғлик сепилишидан илгари ер яхшилаб теккислангани, экин сугорилгандан кейин чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозалангани ўз самарасини берди.

Хўжалик аъзолари билан суҳбат чоғида будаладан ўртача 85 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш кўзлангаётганлиги таъкидланди. Бундай юқори кўрсаткичга эришиш осон эмас, албатта. Лекин, деҳқонларнинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги уларни шундай маррани мўл жаллашга ундади. Ҳақиқатан ҳам бўлиқ ҳосил пишиб етилди.

Президентимиз бундай ғайрат-шижоат учун деҳқонларга мамнуният изҳор этар экан, хўжалик аъзоларининг турмуши, меҳнат шaroити билан қизиқди. Асосий эътибор ишни янгича ташкил этиш масалаларига қаратилди. Бунда гап қишлоқ хўжалигини юритишда, хусусан, пахта ва ғалла етиштиришда пудрат усулини қўллаш ҳақида борди. Ислон Каримов бу борада оила пудрати асосида иш юритиш бир қатор афзалликларга эга эканлигини таъкидлади. Бу

усул меҳнат, иш ҳақи тақсимотида анча енгиллик келтириб чиқаришини уқтирди.

Масалан, битта бригадала ўртача 80 киши ишлайди, оилавий пудрат усули бўйича эса асосан оила аъзолари, яъни ўртача ўн киши меҳнат қилади. Бригададаги саксон кишининг ҳаммаси ҳам бир хил ишламаслиги равшан, масъулият ҳам муайян шахс эмас, бутун жамоа зиммасига тушади. Бу эса иш ҳақини тақсимлашда маълум англашилмовчиликлар, баъзида адолатсизликларни келтириб чиқаради. Аниқроқ айтганда, кимдир нисбатан озроқ ё сифатсизроқ ишлайди, кимнингдир меҳнати эса сифатлироқ ва унумлироқ бўлади. Аммо бригада битта бўлгани боис уларнинг иккаласи ҳам қарийб бир хил миқдорда ҳақ олади. Бу деҳқонда ўз меҳнати натижаларидан қониқмаслик ҳиссини уйғотиши табиий. Натижада ишга масъулиятсизлик, меҳнатга совуққонлик пайдо бўлади, ҳосилдорлик камайди, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўла бошлайди.

Оила пудрати шароитида эса, хўжалик аъзоларининг меҳнатга муносабати тамомилан ўзгача. Самардорлик камайса, бунинг учун масъул бўлган муайян шахс мавжуд, иш ҳақини тақсимлашда юқоридаги каби адолатсизлик бўлмайди. Бу жараён бора-бора пайчиликка айланиб кетади. Замон эса айнан шу усулда иш юритишни тақозо этмоқда. Эндиликда боқимандалик, мулкка бефарқ муносабат, буйруқбозлик билан ишлайдиган даврлар ўтиб кетди. Бугунги кунда ҳаммамиз янгича фикрлаб, янгича ишлашни ўрганишимиз лозим.

Ислон Каримов меҳнаткашлар билан учрашувларда уларнинг шу хусусдаги фикри билан қизиқди.

Бу ерга келишдан асосий мақсад, кишиларнинг турмушини кўриш, уларнинг меҳнат фаолиятида юзага келаётган муаммолар, турли қийинчиликларни ўрганишдан иборат. Яқинда соҳага доир

янги қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини кўтариш ва меҳнат шaroитларини яхшилашга қаратилган, деди мамлакатимиз раҳбари.

Жойларда бу борадаги аҳволни, алоҳида вилоят, туманлардаги вазиятни ўрганиб, янги қонунларнинг амалда кишиларга қандай наф келтираётганини, уларни қониқтирмаган жиҳатларини ўрганишни ҳам мақсад қилган Ислон Каримовдан деҳқонлар ўз фикрларини яширмадилар.

Меҳнаткашлар билан учрашувларда Ислон Каримов қишлоқ хўжалигидаги ҳисоб-китоб масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Гап шундаки, кўпчилик деҳқонлар ўз меҳнатининг пировард натижасида қанча ҳосил олиш мумкинлигини, қандай кўрсаткичларга эришишини тахмин қила олади. Лекин, пировард даромад, соф фойда миқдори ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас. Бу ҳам маълум маънода ривожланишни оқсатадиган омиллардандир.

Мамлакатимиз раҳбари Балиқчи туманидаги қатор жамоа хўжаликлари участкаларида бўлиб, пахта ва ғалла майдонларини кўздан кечирар экан, бу ерларда ҳам меҳнаткашлар турмуши, иқтисодий-ижтимоий вазият билан яқиндан танишди. Ижтимоий-иқтисодий вазият деғанда, бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, Мунисхон Муродиллаева раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 11 минг киши яшайди. Лекин, улардан 3 минг нафаригина хўжаликда меҳнат қилади, ҳолоос.

(Давоми 2-бетда)



Оқсоч Тиёншоннинг бағрида барпо этилаётган, Ангрен сув омборидан Фарғона водийсигача чўзиладиган Тошкент — Ўш магистрали ўзбек автомобилчиларини XXI асрга олиб чиқадиغان йўл бўлиб тарихга киради. Қамчиқ ва Резакда қазилаётган тоннеллар қурилишида ҳайдовчи Аҳмаджон Сатторовнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Сураткаш: А.ГЕРАСИМОВ

“Камолот” аниқликлари

“МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ”

Наманган шаҳрида “Камолот” жамғармаси ҳамда меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шаҳар бўлимлари ташаббусига кўра “Меҳнат ярмаркаси” ўтказилди. Икки юзга яқин ишчи ўринлари билан иштирок этган йигирмага яқин корхона ва ташкилотларга 140 нафар ёш ишга жойлашди. Меҳнат бозорига “Кока-кола”, “Нотўқимачи” каби нуфузли корхоналарнинг иштирок этганлиги ҳамда ёш хонанда ва созандалар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

ЎЗ ҚОРҲАМЎЗДА

Тошкентда “Ижтимоий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрни” мавзuida Марказий Осиё минтақавий маслаҳат учрашуви бўлди.

Ўзбекистонда — Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги дўстлик жамияти тузилди.

Касаба уюшмалари федерацияси кенгашида Эверест чўққисига Ўзбекистон байроғини ўрнатган альпинистлар экспедицияси аъзолари шарафига қабул маросими ўтказилди.

Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида сувбўёқ ва ҳайкалтарошлик асарлари республика кўргазмаси очилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

ОЛИМАОТА. «КАЗААГ» ахборот агентлигининг хабар беришича, собиқ пойтахт аэропортининг учини-қўнниш йўли энг замонавий талаблар асосида қайта таъмирланди.

Мавжуд учини-қўнниш йўлининг узунлиги беш минг метрдан зиёдроқ бўлиб, унинг бетон қопламаси анча хароб аҳволга келиб қолган эди. Энди учини-қўнниш йўли ғарб технологияси асосида ёрилмайдиган асфалт-бетон қоршимаси билан қопланади. 30 сантиметр қалинликдаги янги қопламага 26 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади.

БИШКЕК. Япон бизнесменлари Қирғизистон иқтисодиётини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга тайёрланмоқда. Япониянинг «Номура» банки ва шу номдаги илмий тадқиқот институти вакилларининг Қирғизистон Бош вазири Қ.Жумалиев билан учрашувида шу ҳақда гап борди.

Япон олимлари ва бизнесменлари Қирғизистон иқтисодиётини ривожлантириш учун хусусийлаштириш ва молиявий маблағларни халқ хўжалигининг турли соҳаларига жойлаштириш концепциясини ишлаб чиқишмоқчи. Шунингдек, «Номура» институти япон сармоясини Қирғизистонга жалб қилиш масаласида ҳам тадқиқот ўтказиш ниятида. Бош вазир учрашувда Қирғизистон томони Япония ҳукуматининг БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлин йўлидаги ҳатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш маълум қилди.



ХОРИЖДА

НАЙРОБИ. Африкада футбол бўйича қитъа кубоғи учун саралаш мусобақалари қизғин паллага кирган бир пайтда, Эфиопия билан Эритрея ўртасидаги можаролар ҳамон кескинлигича қолмоқда. Масаланинг яна бир нозик томони шундаки, бу икки мамлакат миллий жамоалари жорий йилнинг август ойида бир-бирига рўпара келади.

Ҳозирча мутахассислар бўлажак мусобақа икки мамлакат ўртасидаги келишмовчиликларнинг барҳам топишида муҳим аҳамият касб этганига умид қилишмоқда. «Спорт-бу тинчлик демакдир. Биз ҳеч иккиланмай бу мусобақага ўз тайёргарлигимизни кўрамиз», деди «Эритрея» футбол жамоаси ҳимоячиларидан бири.

ТОКИО. Япония ҳарбий денгиз кучларининг бир неча кемаси «Римнак-98» ҳарбий-ўқув машқларида иштирок этиш учун сафарга отланди. Бу тадбир июл-август ойларида Гавай ороллари ҳудудида ўтказилади. Маълумки, мазкур ҳарбий-ўқув машқлари икки йилда бир марта ўтказилади. Бу ғалги машқларда АҚШ, Япония, Австралия, Канада, Жанубий Корея ҳамда Чилидан 25 мингга яқин ҳарбий хизматчи, 50 та кема, 200 га яқин самолёт ва вертолёт иштирок этади. Шунингдек, унда Хитой ва Россия ҳарбий вакиллари ҳам кузатувчи сифатида қатнашиши кутилмоқда.

“Туркистон”, ЎЗА ва хориж материалларидан.



ЯНГИЧА ФИКРЛАБ, ЯНГИЧА ИШЛАШГА ЎРГАНАЙЛИК

(Аввали 1-бетда)

Раисанинг айтишича, хўжалик ҳудудида бир фабрика, кичик цехлар, майший хизмат шохобчалари бор. Аммо, фабрикада 300 киши, қолган корхоналарда ҳам тахминан шунча одам ишлаши ҳисобга олинса, меҳнат билан банд бўлган аҳоли сони 4 мингдан ошмайди.

Андижон вилоятида бундай мисолларни кўпай учратиш мумкин. Чунки, вилоятда аҳоли кўп ва зич жойлашган. Демографик ҳаритага назар солган киши унинг нафақат республика ёки Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёда ҳам аҳоли зичлиги бўйича юқори ўринларда турганини кўради. Бунинг устига, ушбу вилоятда нуфус йилига 3 фоиз кўпаймоқда. Шу боис, Ислоҳ Каримов ортқича ишчи кучини бошқа соҳаларга жалб этиш кераклигини таъкидлади. Дарҳақиқат, қишлоққа саноатни олиб кириш зарурлигини Президентимиз кўп бор уқтирган. Шундай қилинса, маҳаллий аҳоли иш билан тўлароқ таъминланади, эҳтиёжининг катта қисми шу ердаги ишлаб чиқариш ҳисобига қопланади, боқимондалик кайфияти, жиноятчилик ва бошқа иллатлар илдиз отмайди. Бироқ, афсус билан таъкидлаш керакки, қишлоққа саноатни олиб кириш, кичик корхоналар очиш ишлари ҳамон кўнгилдагидек эмас.

- Асакадаги «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонаси барпо этилгач, минглаб одамлар иш билан таъминланди, замонавий касб-хунарга эга бўлди. Лекин, бир-иккита йирик корхона билан кўпчилиكنи иш билан банд этиб бўлмайди. Хўжаликларда кичик корхоналар очишни кучайтириш керак, - деди Президент.

Кичик корхона ташкил этишда, аввало, шароитни маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш керак. Жойларда қандай имконият ва қанақа эҳтиёж борлигини билиш лозим. Бозор шароити, муҳит, нимани ишлаб

чиқириш ва сотиш учун қулаюнима ноқулай? Андижон вилоятида ва умуман республикамизнинг бошқа минтақаларида ҳам бу масала, афсуски, ҳали чуқур ўрганилмаган.

-Бозорни ўрганиш керак, - деди Ислоҳ Каримов, - фақат шундан кейингина тавсия ва таклифларни илгари суриш мумкин. Биз янги замонда яшаймиз. Четдан кимларнингдир келиб бизга кўмак беришига умид қилиш - ҳато.

Президент боқимондалик кайфиятида нима бўлганда ҳам «юқоридагилар ўйласин» деган фикрда яшайдиган даврлар аллақачон ўтиб кетганини яна бир бор қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, одамларни зўрлик билан ишлатиш, уларни мажбурлаб бирор тартиб жорий қилиш дари ўтди. Энди ташаббус ўзимиздан чиқмоғи лозим.

Сафар чоғида Ислоҳ Каримов Андижон туманидаги галла уруғчилиги тажриба майдонида бўлиб, олимлар синовдан ўтказётган турли бугдой навларини кўздан кечирди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Дилшодбек Эралиев мамлакатимиз раҳбарига тажриба жараёнлари, эришилаётган натижалар ҳақида сўзлаб берди. Раҳбар ходимлар, мутахассис олимлар билан мулоқот чоғида Ислоҳ Каримов «Краснодар», «Авукрум», «Крошк», «Юна», «Деметра», «Купава» сингари қатор бугдой навларининг хусусиятлари, ҳосилдорлиги, иқлим шароитига мослиги, касалликларга чидамлилиги билан қизиқди. Шунингдек, юртбошимиз уруғчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти ҳақида сўзлади.

-Галла мустақиллигини кўлга киритиш учун 4,5 миллион тонна ҳосил йиғиб олишимиз зарур, - деди Президент. - Бунинг учун эса уруғни ўз вақтида етказиб бериш керак. Андижон вилояти қарийб бутун республикадаги сугориладиган ерлар учун уруғлик бугдой етиштириб беради. Бу борада эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат бор. Уруғни танлаш ва

кўпайтиришда ҳар бир вилоятдаги тупроқ ҳамда иқлим шароитини инобатга олиш лозим.

Президент ўтган йилги уруғлик бугдой кўп томонлама яхши натижалар берган бўлсада, айрим жойларда эътироз ҳам туғилганини айтиб, масаланинг сиёсий жиҳатига тўхтади ва истиқлолимизни мустақамлаш учун аввало иқтисодий жиҳатдан тўла мустақил бўлишимиз кераклигини қайд этди.

Галла майдонларини кезар экан, давлатимиз раҳбари меҳнаткашларнинг «Кейс» компанияси қамбай ва тракторлари ҳақидаги фикри билан ҳам қизиқди. Улар бу машиналарнинг ҳар томонлама қулайлигини мамнуният билан таъкидлашди.

-Бу ерларда ҳосил шу қадар мўлки, уни илгариги қамбайларда ўриб бўлмайди, - деди Ислоҳ Каримов меҳнаткашлар билан мулоқотлардан берида. Чунки, эски русумли қамбайлар ҳосилнинг катта қисмини нобуд қилади. «Кейс»лар эса улардан бир неча баробар тез, сифатли ишлайди. Бу машинада ҳайдовчи учун яратилган шартшароит ҳам тамомилга ўзгача.

Андижон бўйлаб сафари чоғида Президент Ислоҳ Каримов Хўжаобод туманидаги ерости газ омбори қурилишида ҳам бўлди. Лойиҳасининг умумий қиймати 200 миллион АҚШ долларига тенг мазкур иншоот бутун Фарғона водийси аҳолисини газ билан таъминлаш қувватига эга. Мутахассислар Ислоҳ Каримовга омборга ўрнатилган қурилма ва жиҳозларнинг ишлаш жараёни, қурилиш ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Иншоотнинг биринчи навбатини 15 августда ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иншоот билан танишар экан, уни янада сифатлироқ қуриш, жаҳон андозаларига мос асбоб-ускуналар билан таъминлаш, техника хавфсизлигига қатъий риоя этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шу кун Ислоҳ Каримов Фарғона вилоятига ҳам ташриф буюриб, Қува шаҳрида буюк ал-

лома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйига бағишлаб барпо этилаётган Шаҳристон меъморий мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Мазкур мажмуа Қува тепалигида бунёд этилмоқда. Тепаликда қазилма ишлари ўтказган олимлар ундан ноёб тарихий ашёлар, осори атиқалар топмоқда. Қурилиш ишлари билан танишар экан, Президент:

-Бу ерда ўтказилаётган қазилма ишларига илмий нуқтаи назардан туриб, ўта жиддий ёндошмоғимиз зарур, - деди. - Бу заминда Ал-Фарғонийдек буюк алломаларимиздан илгари ҳам тараққиёт ривож топган. Аминманки, қазилма ишлари давом эттирилса, 2,5-3 минг йиллик тарих юзига чиқади.

Ислоҳ Каримов Шаҳристон мажмуини янада гўзал ва обод этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, маслаҳатлар берди.

Сафарнинг иккинчи кун И Президент Ислоҳ Каримов Фарғона шаҳрида бунёд этилаётган ал-Фарғоний номидаги марказий майдон ва истироҳат боғига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари қурилиш жараёни билан танишар экан, бу ерда собиқ тузум даврида шўролар мафкурасига хизмат қилган, ўзбек халқининг гурурини поймол этадиган ёдгорликлар ҳали-ҳануз кўзга ташланаётганини танқид қилди.

-Биз абадий қоладиган масканларни барпо этишимиз лозим, - деди Президентимиз. - Ҳар бир ашёни нозик дид билан ишлаб чиқиш, узокни кўзлаб иш тутиш керак. Ал-Фарғонийнинг ҳайкали, боғдаги дарахтлар, фавворалар, ариқлар, йўлакларнинг ҳаммаси шундай бўлиши керакки, бу ерга кирган киши ҳузур қилсин. Шундагина бунёд этилаётган бу маскан ҳақиқатан ҳам чинакам оромгоҳ бўлади.

Ислоҳ Каримов Фарғона кимёвий толалар заводи қошидаги «Полиамид-6» корхонасида бўлиб, фаоллар билан суҳбатлашди. Корхона тўла қувват билан ишлаб бораётган, маҳсулотнинг эҳтиёждан ортиғи экспортга чиқарилади. Бу экспорт ҳажми 21 миллион АҚШ долла-

рини ташкил этади, демакдир.

Дастлаб, корхонада фақат гранула ишлаб чиқарилган эди. Кейинроқ унга автоном бил шиналарини мустақамлигини оширадиган маҳсус қатлам - шина корти қўшилди. Яқин келажакда палос тагликлари ҳам ишлаб чиқарила бошланади. Мутахассисларнинг айтишича, сарфланган харажатлар беш йилда қопланади. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари корхонада меҳнат қилаётган хорижлик ҳамкорлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг юртимиздаги ҳаёти, меҳнат шароити билан қизиқди.

Ислоҳ Каримов Фарғона вилояти ҳокимлигида фаоллар билан бўлган учрашувда ислохотларни жадаллаштириш, унда раҳбардан тортиб оддий деҳқонгача фидойилик кўрсатиб ишлаши лозимлигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Учрашувда қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг оила пудрати, аҳолини иш билан таъминлаш сингари ижтимоий масалалар ҳусусида сўз юритилди.

Йўлбошчимиз эл-юрт учун, Ватан манфаати учун астойдил ишлаш лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Шундагина мустақиллиكنи иқтисодий жиҳатдан мустақамлашга, халқнинг турмуш даражасини оширишга эришиш мумкин, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимиз раҳбарининг Андижон ва Фарғона вилоятларига сафарида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг матбуот котиби А.Зиёев, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов, Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов ҳамроҳлик қилди.

Президент Ислоҳ Каримов 19 июнь кун Тошкентга қайтиб келди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

БОЛГАРИЯ -- ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ИНТЕГРАЦИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Матбуотда хабар берилганидек, мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов Болгария Республикаси Президенти Петар Стоянов тақлифига биноан шу йил 23-25 июнь кунлари расмий ташриф билан Болгария Республикасида бўлиши кутилмоқда.

Ана шу расмий ташриф арафасида мазкур мамлакат ҳаётининг муҳим қирраларидан бири -- Европа Иттифоқи билан интеграциялашув жараёни ҳусусида фикр юритишнинг лозим топдик.

Сўнгги йилларда Болгария Республикасининг Европа умумий бозорига интеграциялашув мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларида устувор тамойилга айланди.

Бу, айниқса, Болгария ташқи савдо айланмасида Европа Иттифоқининг ҳиссаси йилдан-йилга мунтазам кўпайиб бораётгани мисолида яққол кўзга ташланади. Масалан, Европа Иттифоқининг мамлакат иқтисодиётидаги ушбу жабҳа бўйича улуши 80-йилларнинг бошида 6-8 фоизни ташкил этган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич 39 фоизга етди.

Маълумки, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотлари,

озиқ-овқатлар, дастгоҳ ва ускуналар, транспорт воситалари, пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, тахта-ёғоч, чармтери хом ашёлари сингари бозорбоп товарларни ҳамкор мамлакатларга экспорт қилиш масаласи Болгария ташқи савдо сиёсатида алоҳида ўрин эгаллайди. Кейинги пайтларда мамлакат экспортнинг умумий миқдорида Европа Иттифоқи улуши сезиларли даражада ортиб бораётган.

Шунингдек, Европа Иттифоқи ушбу мамлакатга машина ва ускуналар, қоғоз маҳсулотлари, пойафзал ҳамда бош кийимлари каби турли зарур товарларни импорт қиладиган хорижий шериклар сирасида ҳам етакчи ҳисобланади.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлгач, Болгария ўз иқтисодиётини ушбу ташкилот меъёрлари ва Европа Иттифоқи бозори талабларига мослашти-

ришга айрича эътибор билан ёндаша бошлади. 1997 йил мобайнида Европа Иттифоқи иш-тироқида ўзаро савдо муносабатларини тартибга солувчи бир неча ҳужжатнинг имзоланиши эса мамлакат қонунчилиги негизини ана шу ташкилот ҳуқуқий тизими билан уйғунлаштириш имкониятларини янада кенгайтди.

Шунга қарамасдан, ўтган йилнинг июль ойида Европа Иттифоқида кўшилиш учун музокараларга таклиф этилган дастлабки олти давлат сафига Болгария кирмай қолди. Ушбу номзод-давлатлар рўйхатини тайёрлаган ва тавсия этган Европа Комиссияси бу ҳолни мамлакат иқтисодиётига нисбатан бир қатор талаб ва эътирозлар мавжудлиги билан изоҳлади. Албатта, бу ўринда асосий эътибор олдинги ҳукумат томонидан етарли даражада иқтисодий ислохотлар сиёсати юритилма-

ганлиги оқибатида мамлакатда бозор иқтисодиётини барпо этиш жараёнлари нисбатан суст амалга оширилганлигига қаратилаганини таъкидлаш лозим бўлади.

Мамлакатда 1997 йилнинг 21 майида сайланган ҳозирги ҳукумат ўз фаолиятининг бошиданок Болгария истиқболда Европа Иттифоқи доирасидаги ҳамкорлигини устувор вазифа деб ҳисоблашини ва ўзаро интеграция жараёнларига алоҳида аҳамият қаратишини қатъият билан маълум қилди. Шу муносабат билан тайёрланган махсус Декларацияда қайд этилишича, Болгария ўзининг Европа Иттифоқида кўшилишини фуқароларнинг фаровонлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини барпо этиш йўлидаги муҳим стратегик мақсад сифатида баҳолайди.

Бугунги кунда мамлакатнинг Европа Иттифоқида аъзо бўлиш

учун тайёргарлик ишларига Болгария ташқи ишлар вазирлиги бевосита раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги қошида ёрдамчи ташкилот -- Европа интеграцияси бўйича Кенгаш ҳам фаолият кўрсатаётган. Кези келганда, ушбу мутасадди ташкилотлар ва умуман, мамлакат ҳукумати томонидан Болгарияни Европа Иттифоқининг сиёсий ва иқтисодий талабларига жавоб берадиган даражада юксалтириш, мамлакат қонунчилигини мазкур халқаро ташкилот ҳуқуқий тизими билан мувофиқлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилганини эътироф этиш жоиз.

Табиийки, мамлакат ҳукумати ва халқи ушбу нуфузли ташкилотга кўшилиш бир марталик сиёсий тадбир эмас, балки тамаддуний Европага интеграциялашиш йўлида бутун жамиятни сафарбар этишни тақозо қиладиган узок муддатли жараён эканини яхши тушунади. Биз ҳам болгариялик ҳамкорларимизнинг ана шу масъулиятли, айна пайтда истиқболли орзу-ниятлари рўёбга чиқишига тилакдошимиз.

Фулом МИРЗО,
халқаро шарҳловчи



Чимилдиқ

"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 1998 йил 20 июни № 5

Абдулла ТУРДИЕВ

ИФОРЛАР СОЧДИ ТУ...

Айни севги ёшида,
Гўзаллик талошида.
Ҳарир рўмол бошида —
Бир эшикни очди гул,
О, ифорлар сочди гул.

Чимилдиқ сир -- мўъжиза,
Ола-гасир мўъжиза.
Кетиб бўлмас дил уза —
Охудайин қочди гул,
О, ифорлар сочди гул.

Бахшида биринчи тун,
Юракда исён нечун?!
Айём -- икки ёш учун —
Бир кўркүвда шошди гул,
О, ифорлар сочди гул.

Мўралайди Ой, юлдуз —
Ўт ичида бир юлдуз.
Бўса тутар лаб -- қирмиз —
Ишққа бағрин босди гул,
О, ифорлар сочди гул.

Олам Гулга айланди,
Дил риштаси бойланди.
Туйгулар жилоланди —
Қувонч -- дарё... тошди гул,
О, ифорлар сочди гул.

Ёришар тонг чироғи,
Қайда келин тарағи?!
Иффат -- вафо байроғи —
Дорга чойшаб осди гул,
О, ифорлар сочди гул.

Бир жуфт баҳор ёзланиб,
Ишқий рубоб созланиб.
Муҳаббат эъвозланиб —
Бахтга пешвоз икки дил,
О, ифорлар сочди гул!!

Чинакам тадбиркорлик билан бой-бадавлат, фаровон турмуш кечири билиш ҳам санъатдир. Ҳеч кузатганмисиз, аксарият ҳолларда инсонни пул эмас, пулсизлик бузади. Бугунги суҳбатдошимиз Рустам Орипов Мирзо Улугбек туманида истиқомат қилади. Онлали, бир қизчаси бор. Республикамиздаги энг нуфузли олий ўқув юр்தларининг бирини тамомлаган. Нима учун Рустам ўқиган билим даргоҳининг номини айтмаётганимизни кейинроқ билиб оласиз.

Рустам бой бўлиш оsonми?

-- Ҳам оson, ҳам қийин. Бир қарасангиз пул ўз-ўзидан оқиб келаётгандек. Аслини олганда эса пулларнинг тинимсиз ҳаракатини таъминлаш учун доимо нимадир қилиш, фикрлаш, режалар тузиш керак.

-- Халқимиз айрим тадбиркорларга нисбатан "пулга тузоқ қўйган одам" иборасини ишлатади. Сиз ҳам ўзингизни шундай тузоқ қўйувчилардан санайсизми?



-- Илгарилари пул кетидан қувар эдим. Лекин дурустроқ ўйлаб қарасам, бу нотўғри ҳаракат экан. Одам қачонки ўз соҳаси устида пухта изланиб, ўргансагина моддий бойлик ҳам ўз-ўзидан баракали бўларкан.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ:

Рустам болалигидан компьютер марказига қатнаган. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, у компьютер техникасининг

ки, бундай дастурни компьютер соҳасини мутамал биладиган мутахассислар ҳам туза олмас эдилар. Устига устак талабанинг чап қўли ясама эди. Рустам ўша синовда "аъло" баҳо олди. Шундан кейин тест-саволлари бошқатдан тузилди.

-- Рустам, хусусий фирмангиз ҳамда тикув пехингиз бор экан. Даромади бир онлага бемалол етиб ортса керак?

-- Ойлам, ота-онамни

ахлоқий-маънавий қиёфасига айримлар шубҳа билан қарашади. Сиз бундан қандай изоҳлайсиз?

-- Нима демоқчи эканингизни тушундим. Тўғри, шולי курмакисиз бўлмайти, лекин кўпинча майда-чуйда игволарни қўлидан бирон-бир тузукроқ иш келмайдиган, ўзи ишлашни истамай, ўзгаларга ҳасад қилувчи, бунинг устига фирт бекорчи кимсалар ўйлаб то-

БУТЎНТИ
СОҲДА:

НИМАГА ЮРИШ АЛМ-А?

4- саҳифа

"СИРЛАРИМНИ
КИМГА
АЙТАМАН?"

ОПТС ЗАНЖИРБАНД
ЭТИПАДИ

5- саҳифа

ТҮЙХОНАМИ, Ё...

НИКОҲ УЗУТИ
ҚАЧОН УРФ БЎЛГАН?

6- саҳифа

Янги ўзбеклар

ни қандай белгилайсиз?

-- Яхши маънодаги зикналикни ёқлайман. Лекин инсон соғлиғи, шаъни, обрўсига путур етказадиган зикналикдан юз ўтирамман. Тежамкорлик деганда кўплар моддий маблағни назарда тутишади. Бироқ, олтину жавахирлардан ҳам қимматлироқ ВАҚТнинг қадри хусусида жиддий ўйлаб кўриш ҳамманинг ҳам хаёлига келавермайти.

Суҳбатдошимнинг гапларида жон бор. Бундан бир неча ҳафта илгари юртимизга ташриф буюрган япониялик ишбилармонлар ҳам "Сиздаги айрим кишилар вақтни тежай билмас экан, ахир беҳуда совурилган дақиқаларни пулга чақилса қанчадан-қанча маблағ ҳавога совурилганини тасаввур этиш мушкул эмас-ку", дейишганди. Назаримда "Вақтинг кетди -- нақдинг кетди" мақолининг асли моҳиятини тушуниб етишнинг фурсати аллақачон етган.

НАРГИЗА

ПУЛГА ТУЗОҚ ҚЎЙМАГАН ЙИГИТ

ашаддий устаси. Уйда хусусий компютери бор. Олий ўқув юртида ўқиб юрган кезларида ЭХМда ўта мураккаб дастур тузиб, синов-тест жавобларини топган. Ва уни барча курсдошларига тарқатган. Ҳамманинг жавоби бир хиллигидан ажабланган ўқитувчиларга тест махсус дастур ёрдамида очилгани аён бўлди. Рустам ректоратга бориб, ўз "ихтироси"ни кўнгилли тарзда ошкор қилади. Ўқитувчиларни лол қолдирган жиҳати шу эди-

таъминлашга, рўзгор тебратишга албатта етади. Авваллари, яъни собиқ шўролар тузумида бойлик тўплаш буржуазия иллати деб саналган. Берсанг ейман, урсанг ўламан, қабилида турмуш кечиришни одамлар онгига мажбуран сингдиришга уринилган. Ахир, киши ўз ҳаётининг фаровонлиғи йўлида елиб-юурса бунинг нимаси ёмон! Ҳозирги замон тадбиркори фаол ва серҳаракат бўлмаса, ишлар чатоқ, деяверинг.


-- Янги ўзбекларнинг

пишади. Бадавлатликнинг ҳам ўзига яраша маданияти, масъулияти бор.

-- Турмуш ўртоғингиз сизнинг топармон-тутармонлигингизни билиб, никоҳга рози бўлганмилар?

-- Йўқ, менимча. Сабаби, кишининг юрагидан ўтаётган кечинмаларини унинг кўзларидан билиб олиш мумкин. Дилобархон тиш шифокори, топиб-тутиши ёмон эмас. Тежамкор, пишиқ-пухта аёл.

-- Тежамкорлик билан зикналик ўртасидаги тафовут-



НИМАГА "ЮРИШ" АДИ-А?

БИРИНЧИ ТОИФАДАГИЛАР

НАРГИЗА: -- Мен Ҳ. билан бутунлай бошқа-бошқа вилоятданмиз. Фақат, ҳамкурс сифатида бир-биримизни танирдик. II-курс-лигимизда у мени ҳар куни дарсдан сўнг кузатиб кўчишни одат қилди. Олдинга бу менинг жаҳлимни чиқарарди. Неча марталаб уришиб ҳам бердим. Аммо ҳозир у ёнимда юрмаса бир нарсамни йўқотиб қўйгандек ҳис этаман.

ҚУВОНДИҚ: -- Олдинга Ҳафизадан қишлоқдошим сифатида тез-тез хабардор бўлиб турардим. Кейинчалик нимагадир бу қизга боғланиб қолдим. Энди уни бир кун кўрмасам туролмайман. Ўртоқларим кўлса ҳам Ҳафизанинг олдида юраман.

Демак, улар бир-бирларига жуда ўрганиб қолганлари учун "юриш" ади.

ИККИНЧИ ТОИФАДАГИЛАР

ЗАФАР: -- Уйимдагилар мени уйлантириш пайига тушиб қолиб, роса қиз ахтаришяпти. Лекин улар топганининг бирортаси ҳам менга ёқмайди. Табиатим ойжамол, танноз қизларни унчалик суймайди. Яқинда С. исмли қиз билан танишиб қолдим. Ёши 23 да экан. Ақли тиниқ, уйим-жойим дейдиган. Қизлар билан нимагадир узоқ гаплаша олмасдим. С. билан соатлаб ўтирсам ҳам зерикмайман. Уйдагилар уни "ўтириб" қолган қиз десада, барибир унга уйланаман. Менга унинг ёши эмас ахлоқ-одоби керак.

ҲУЛКАР: -- Бош қиз бўлганим учун уйимиздан кейинги пайтда совчилар аримай қолди. Ота-онам тагли-тугли хонадондагилар келиб қолса, мени аврашга тушишади. Аммо менинг кўнглим топгани рўзгор тебратишга эўрга етсада, бир сўзи билан бойликка кўмиб ташлайдиган, ҳалол, пок Нодир акада. Ҳар куни ишхонага бориб, ҳамма гапни унга айтгим келади. Бир сўзим билан қалбини тирнаб қўйишдан қўрқаман. Икки йилдан буён бирга юрган бўлсакда Нодир ака бирор марта "севмаман" сўзини айтмаган...

Ўз-ўзидан маълумки, бу тоифадагилар учун ташқари олам (деганимиз -- бойлик, чирой, мансаб) бир тийинлик қийматга эга эмас. Фақат келажак порлоқ бўлса бўлди.

Бош сарлавҳани ўқиб... "юриб" танбех еганлар, "юрмай" армон қилганлар ҳам беихтиёр шу саволни ўз-ўзига бериши табиий.

Ҳақли эътироз туғилади. Бизнинг 70 йил олдинги етти пуштигимизда тўйдан олдин қиз ва йигит "юриш"и ҳақида гап бўлганми? Бўлмаган бўлса, унда буюк севги дostonлари қандай пайдо бўлган эди. Ҳўш, ўша битикларда никоҳдан олдинги учрашув ҳақида гап борми?

Бу ҳақда сизни ўйлашга ҳам, фикрлашга ҳам ундайолмаймиз. Чунки бугун замон, давр, дунё ўзгача. Бизни энг қизиқтиргани етти ёт бегона йигит ва қиз бир-бири билан нимага юриши ҳақида...



УЧИНЧИ ТОИФАДАГИЛАР

ГУЛҲАЁ: -- Ёшликдан нимагадир муҳаббат ҳақидаги асарларни кўпроқ мутулаа қилардим. Ўша Отабегу Кумушнинг севгисига ҳавасим келарди.

Бутун бир йигитни севиб қолдим. Усиз кунларим қоронгу. Ж. бегона қизлар ҳақида гапирса ҳам рашк қиламан. Кўпчилик "Бу йигитнинг оиласи яхши эмас", деяпти. Балки бу тўғридир. Уйимдагилар ҳам Ж.га тегишимга қарши. Ж.сиз яшолмасам нима қилай?

ФАҲРИДДИН: -- Онам ишхоналаридаги Дилфуза исмли қиз ҳақида жуда кўп гапирардилар. Албатта, кўпроқ ғийбат қилиб. Менда нимагадир шу қизга нисбатан қизиқиш уйғонди. Шадлодгина бу қиз нимаси биландир мени ўзига ром этиб олди. Энди ҳар куни онамдан яширинча Дилфуза билан учрашамиз. Барибир онам истасалар ҳам, истамасалар ҳам Дилфуза билан бирга бўламан.

Ана шунақа, бу тоифадагилар биринчи ўринга "бир кўришда муҳаббат"ни қўйишади.

ТҮРТИНЧИ ТОИФАДАГИЛАР

ФАРҲОД: -- Ўқишни битираётган пайтларим эди. Кун ўтиши секин. Ётоқхонадан ташқарига чиқиш йўқ. Ўткир деган ўртоғим келиб қолди, ётасанми осмонга қараб, сени қизлар билан таништириб қўяман, деди. Ёнимиздаги ётоқхонада кўқонлик қизлар туришаркан. Ўткирнинг қизини дугонаси билан яхши бўлиб олдим. Кўпинча уни кинога олиб бораман, бирга сайр қиламиз.

ГУЛНОЗ: -- Дугоналаримнинг ҳаммасида йигит бор. Бирор ёққа борадиган бўлсак яккаланиб қоладиган бўлдим. Уйимдагилар севги масаласига жиддий қарашади. Улардан яширинча, бир йигит билан учрашаман. Керакли кундагина уни чақириб, борадиган жойимизга бирга бориб келаемиз. Айтишича яқинда уйланаркан. Аммо кейин ҳам менинг ўртоқларим даврасида бўлишга ваъда берди. Кўпчилик буни қоралаш мумкин. Нима қилибди. Биз ёмон ниятда юраётганимиз йўқ-ку. Ўртаимизда ўлдим-қуйдим, деган гаплар ҳам бўлмаган.

Бу тоифа ёшлар атрофдагилар назаридан гўруҳдан ажралиб қолмаслик учунгина бирга "юриш" ади.

БЕШИНЧИ ТОИФАДАГИЛАР

ШАВКАТ: Оилада кенжа ўғилман. Ака-опаларим севиб турмуш қуришган. Шунинг учун мени ҳам ўзим танлаган қизга уйлантиришади. Аямга Шаҳноза ҳақида айтсам, "Ўзингга ёққан бўлса гаплашавер, бизга шуниси маъқул," дейдилар. Анави куни қўл ушлашиб турганимни отам кўриб қолиб индамадилар. Лекин нимагадир роса хафа бўлдим.

МАҲЛИЁ: Онам отамга уйдагиларининг розилиги билан узатилган эканлар. Аммо ҳозир турмушлари унчалик яхши эмас. Онам бечора фақат менга "Олдиндан кўриб-билиб эрга тег, мендай қийналиб юрмайсан," деганлари деган. Балки кимнидир яхши кўрсам ҳам онамнинг раъйлари учун яхши кўраман.

Улар учун ички юришга эҳтиёж йўқ. Ташқи таъсир бу тоифа учун муҳимроқ саналади.

Таҳририятга андижонлик Қ.Фозилов андай мактуб йўллабди:

Беш ой бўлди. М. исмли қиз билан танишдим. Шу пайтгача мен билган қизлардан у нимаси биландир ажралиб туришини биринчи кунданок сездим. Ҳаётимда ilk марта ҳақиқий севгига дуч келдим, шекилли. У билан танишганимдан

буён ҳаловатимни йўқотдим. Совчилар эса иккинчи бор унинг уйидан қуруқ қайтишди. Мени уйдагилари келиб, сўраб-суриштиришганда маҳалладаги кўп қизлар билан "юрган" дейишибди. Тўғри, кўпчилик билан "юриб" гап бўлганман.

Баъзи одамларга ҳайрон қоламан. Ахир мен бирининг

қизи билан уни ёмонотликқа чиқариш учун гаплашмаганман. Балки, олдиндан бўлажак турмуш ўртоғимнинг феъл-атворини, хулқини билиш учун учрашганман. Шу пайтгача М.дан бошқа ҳеч бир қиз кўнглимга заррача меҳр солмаганди. Ўша ҳаётда биринчи учрашиб гаплашган қизим билан турмуш қурдим ҳам дейлик. Унда бир ўзимни эмас, икки кишининг бахтига зомин бўлардим-ку. Балки ажрали-

шимизга менинг феъл-атворим ҳам сабабчи бўларди. Ахир тўйгача юришдан

мақсад бир-бирини синаб, билиб, ўрганишдан иборат эмасми?

ТАҲРИРИЯТДАН:

"Юриш"га юриш қилишимиздан мақсад, кимнидир қоралаб, кимнидир оқлашдан йироқмиз. Зероки Яратган ўзининг тақдир деган ёзувини ҳар биримизнинг пешонамизга битиб қўйган. Фақат ўша сўзни мукаммал ўқий олсак бўлгани... Баҳс эса давом этади.

ЛАЙЛО,
"Туркистон" муҳбири

ЧУМЧИЛАР

1998 йил 20 июнь

Сиз нима дейсиз?

Уй альбомини варақлаб ўтирган қизалоқ ота-онасининг никоҳ кунини олинган суратини кўриб қолади. “Нега бу ерда мен йўқман?” деб сўрайди у. “У пайтда сен туғилмагандинг” дейди онаси. “Ия, туғилмаган бўлсам, қаерда эдим?” дейди баттар ажабланиб қизча. Шунда онаси уни жаҳл аралаш қўйиб беради: “Э, менга бунақа савол берма! Бор, қўғирчоғинг билан ўйна...” Қизалоқ онасиниманидир ундан яширганини фаҳмлайди ва шу нарсаси кўпроқ қизиқа бошлайди. Сўнг у бор “ҳ а қ и қ а т”, н и кўчадагилардан эшитади. Хайрон бўлади: “Нега онам менга тўғриси айтмадийкин?!” Илк бор унда катталарга нисбатан ишончсизлик уйғонади. Ўзи қизиққан барча нарсаларни энди у кўчадагилардан сўраб билиб олаверади...

Чиндан ҳам нега бизда она билан қиз нозик мавзуларда очиқ-ойдин суҳбатлашишмайди? Нима учун қиз ўз сирларини онасига эмас, дугонасига бориб айтади? У онасидан тортинадими? Ё бунга одатланмагани учунми? Ё худ бу шарқона тарбия таомиллари билан боғлиқми? Бир тўхтамга келмасимданоқ, бошқа воқеа ёдимга тушади. Болалигимда шундай ҳикоя ўқигандим: кўчада ўйнаб юрган қизалоқни тенгқур-

ларидан бири хафа қилади. “Сенинг ойинг гуноҳ иш қилиб қўйган. Сўнг сен туғилгансан. Бувинг сени ўзига олиб қўлиб, ойингни узоққа узатиб юборган” дейди. Қизча уйга югуриб келиб бувисини сўроққа тутди: “Гуноҳ иш дегани нима у?” Бувиси унга “Катта бўлганимда билиб оласан” деб қўя қолади. Қай кун келиб, қиз хато йўлга қалам қўяди. Маломатга қолади. Бувиси уни қарғайди. “Онанга ўхшаб сен ҳам авлодимизни иснодга қўйдинг!” дейди. “Агар бу аёл ҳақиқатни илгарироқ тўғри тушунтирганида, қиз онаси-

суҳбатлашганимиз? Кўпчилигимиз охири фикрни маъқул кўрамиз, албатта. “Ахир ҳозир замон бошқача, қизлар ўта қизиқувчан. Биз айтмаганимиз билан улар кўчадагилардан эшитиб, кинолардан кўриб, ҳамма нарсани билиб олишади. Қай бири эшитганини тўғри талқин этади, қай бири эса аксинча. Шундай экан, нега биз катталар улардан кўп нарсани сир тутишимиз керак?” Бошқа бирларимиз бу гапга шундай қўшимча киритамиз: “Чимилдиқ билан боғлиқ аксарият воқеаларнинг салбий хотима топиши ҳам қизларимизнинг

глар?” деб сўрадим. Нима дейди, денг. “Э, у йигитингиз ёмон экан. Менга яқинлашиб қўлини узатувди, бошим айланиб кетди. Сиз ҳам дадам билан учрашганингларда шунақа бўлганмиди?” дейди.

Юзларимдан ўт чиқиб кетди. Жон ҳолатда, шоша-пиша сўрадим:

-- Сиз нима дедингиз?

-- Нима дердим. “Биринчи марта шунақа бўлади. Кейин ўрганиб кетасан” дедим-да!

Бир қарашда бу аёл билан қизи ўртасидаги суҳбатда ҳеч қандай ғайритабиийлик

Сиз нима дейсиз?

ичдан маъқуллай-миз...

Турли давраларда, кўча-кўйда эса худди шу мавзуга алоқадор гап-сўзлар давом этаверади:

-- Қўшнимизнинг қизи уятчанг, ёввойироқ бўлиб ўсганди. Кеча шу қиз онасига келиб: “Шарманда бўлдим, онажон. Мен энди қиз бола эмасман!” депти. Онасининг жон-пони чиқиб: “Нима бўлди?” дея суриштирибди. Сўраб билишсаки, қизни яхши кўриб юрган синфдоши хонада ҳеч ким йўқлигида унинг юзидан шартта ўпиб олган экан!

-- Яқинда бир қизнинг тўйи бўлди. Биз “Ким янғалик қилади?” дея тортишиб турсак, қизнинг онаси ёнимизга келди. “Янғанинг кераги йўқ, мен ўзим ҳаммасини қизимга тушунтирганман”, деди...

Қиз бола учун онасидан кўра яқинроқ киши йўқ. Бу икки жонни боғлаб тургувчи ришталар гарчи қиз ўз уйини тарк этиб кетган чоғда ҳам узилмайди. Аксинча, янада бақувватлашади. Лекин, бу иккиси қанчалар яқин ва қайси ёшда бўлишмасин, айрим мавзуларда очиқ-ошкор сўзлашолмайдилар. Ҳар бир суҳбатда шу мавзу четлаб ўтилаверади. Сабоби маълум: азалий қондалар бузиб ўтирмайдилар. Ҳали-ҳануз қизларимиз оналари билан эмас, дугоналари билан сирлашадилар. Лекин, бир нарсани ўйлаб қўюнасан, киши. Ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган қизнинг ўз дугонасига берган маслаҳати тўғримикин? Сиз нима дейсиз?

ГУЛЖАМИЛА

“СИРЛАРИМНИ КИМГА АЙТАМАН?”

нинг хатосини такрорламасди”, дея хулоса чиқаради ёзувчи.

Қиз ва она сирлашуви. Бу ҳақда замонавий руҳиётшунос-лар нима дейди?

